



«Тасдиқлайман»

Бошкарув Раиси ўринбосари

Ф.Махкамов

2022 й.

АТ «Алоқабанк» ички аудит хизмати фаолиятини ички аудитнинг
профессионал амалиёти халқаро асосларига мувофиқлиги юзасидан ташқи
баҳолаш хизматини харид қилиш учун танлаш ҳужжатлари

Буюртмачи: АТ «Алоқабанк»

Тошкент – 2022 й.

МУНДАРИЖА

- I. Танлов иштирокчиси учун йўриқнома**
- II. Танловнинг техник қисми**
- III. Танловнинг нарх қисми**

ЭЛЕКТРОН ТАНЛОВ ТҮФРИСИДА МАЪЛУМОТ

Танлов предмети	АТ «Алоқабанк» ички аудит хизмати фаолиятини ички аудитнинг профессионал амалиёти халқаро асосларига мувофиқлиги юзасидан ташқи баҳолаш хизматини харид қилиш
Лотнинг бўлинниши	Лот бўлинмаган
Молиялаштириш манбаи	АТ Алоқабанкининг ўз маблағлари
	430 000 000 (тўрт юз ўттиз миллион) сўм ҚҚС билан бирга
Танлов таклифининг таъминот кафолати суммаси (закалат или банк кафолати)	1%
Тўлов шартлари	<p>Тўлов шартлари:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Контракт умумий қийматининг 40% миқдорида аванс тўлови, қолган қисми хизмат кўрсатилгандан кейин.
Тўлов валютаси	<p>Тўлов:</p> <ul style="list-style-type: none"> • ижрочилар учун Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида амалга оширилади.
Етказиб бериш жойи ва шартлари	Буюртмачининг манзилига: Ўзбекистон Республикаси, 100047, Тошкент ш., А.Темур кўча, 4-үй
Етказиб бериш/ хизмат кўрсатиш муддатлари	<ul style="list-style-type: none"> - Ички аудит хизмати фаолиятини дастлабки баҳолаш натижалари бўйича ҳисоботни тақдим этиш муддати – 2022 йилнинг 30 ноябргача; - манфаатдор тарафлар (Кузатув Кенгаши, Аудит кўмитаси ва банк Бошқаруви) учун Ички аудит хизмати фаолиятини баҳолаш натижалари бўйича якуний ҳисоботни, шу жумладан тақдимотни тақдим этиш муддати – 2022 йилнинг 30 декабргача;
Танлов таклифининг амал қилиш муддати	Таклифларни қабул қилиш тугаган пайтдан бошлиб 30 кун ичида.
Танлов иштирокчиларига қўйиладиган талаблар	Танловда ҳам маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ёки етказиб берувчилар (ижрочилар), ҳам Ўзбекистон Республикасига шу каби етказиб бершиларда иштирок этишлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тақиқланмаган, иштирок этиш учун қўйилган

	<i>шартларни бажарган, рақобат асосида хариð қилинадиган төгисишли хизматларни кўрсатиш тажрибасига эга хорижий ишлаб чиқарувчилар ёки етказиб берувчилар (ижрочилар) иштирок этишилари мумкин.</i>
Таклиф бериш муддати	7 иш куни давомида.
Танлов ўтказиш бўйича хариð комиссиясининг масъул котиби (ёки ишчи органи)	<i>Сардор Муродиллаев Хариðлар департаменти етакчи менежери, Буюртмачи манзили: Тошкент ш., А.Темур 4-үй Тел.:71 230 – 77-77 (2111, 2236) e-mail: Sardor.Murodillayev@aloqabank.uz</i>

I. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

- 1 Умумий қоидалар 1.1 Ушбу танлов харид ҳужжатлари (кейинги ўринларда «танлов ҳужжатлари» деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги ЎРҚ-684-сонли «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонуни (кейинги ўринларда «Қонун» деб юритилади) талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган.
- 1.2 Танлов предмети: АТ «Алоқабанк»нинг ички аудит хизмати фаолиятини ички аудитнинг профессионал амалиётининг халқаро асосларига мувофиқлиги юзасидан ташқи баҳолаш.
- 1.3 Танлов (лойиҳа)ни амалга ошириш учун асослар: АТ «Алоқабанк» Кузатув кенгашининг 2022-йил 8-сентябрдаги 47-сонли.
- 1.4 Танловнинг бошлангич нархи: 430 000 000 (тўрт юз ўттиз миллион) сўм ҚҚС билан бирга
Танлов таклифида кўрсатилган нархлар бошлангич нархдан ошмаслиги керак.
- 1.5 Харид комиссиясининг мажлислари харид комиссияси аъзолари иштирокида юзма-юз ўтказилади. Юзма-юз мажлислар видеоконференция (телеконференция ва бошқа) форматида ўтказилиши мумкин. Харид комиссияси ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида масофадан туриб овоз бериш ҳуқуқига эга.
- 1.6 Ушбу танлов ҳужжатларида фойдаланадиган асосий тушунчалар:
- аванс тўлови** – Буюртмачи ва харид иштирокчисининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда киритилган молиявий маблағлар миқдори, шу жумладан операторнинг воситачилик йигими ва тарафларнинг закалати;
- таклиф таъминоти** - буюртмачининг талаби билан гаров, кафолат, закалат ёки қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа усуlda иштирокчи томонидан тақдим этиладиган таклифни ва мажбуриятларни бажариш таъминоти;

давлат харидлари электрон тизимининг оператори (кейинги ўринларда «оператор» деб юритилади) – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган давлат харидлари электрон тизимларида харид тартиб-таомилларини ўтказиш билан боғлиқ хизматларни давлат харидлари субъектларига кўрсатувчи маҳсус ваколатга эга юридик шахс;

шахсий кабинет – давлат харидлари субъектларига электрон давлат харидларида иштирок этиш ҳамда зарур маълумотларни жойлаштириш ёки олиш имкониятини тақдим этувчи маҳсус ахборот порталидаги индивидуал саҳифа;

ҳисоб-китоб-клиринг палатаси (кейинги ўринларда – «ҲҚП» деб юритилади) – аванс тўловларини депонентлаш ва ҳисобга олиш орқали шартномалар бўйича ўз мажбуриятларини бажаришга қодир бўлган иштирокчиларга электрон харидларда иштирок этиш хукуқини берувчи Операторнинг таркибий бўлинмаси;

давлат харидлари электрон тизими (кейинги ўринларда «электрон тизим» деб юритилади) – давлат харидлари субъектларининг ўзаро ҳамкорлигини, электрон давлат харидлари жараёнида харид тартиб-таомилларининг ўтказилишини таъминлайдиган ташкилий, ахборот ва техник ечимларнинг дастурий мажмуаси;

электрон давлат харидлари – давлат харидлари субъектлари томонидан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда давлат харидларини амалга ошириш шакли.

2 Электрон танлов 2.1 ташкилотчилари

Танлов буюртмачиси: Ўзбекистон Республикаси Акциядорлик Тижорат “Алоқабанк” нинг буюртмачиси (кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади) ҳисобланади.

«Буюртмачи»нинг манзили: 100047, Тошкент ш. А.Темур кўч., 4 уй.

2.2

Танлов комиссиясининг ишчи органи: Ўзбекистон Республикаси АТ “Алоқабанк” нинг Харидлар бўлими (кейинги ўринларда «Ишчи органи» деб юритилади).

«Буюртмачи»нинг манзили: 100047, Тошкент ш.

		A.Темур кўч., 4 уй. Алоқа қиладиган шахс: Иргашев С., тел.: (998 71) 230-77-77 (2111) e-mail: sardor.irgashev@aloqabank.uz
	2.3	Шартнома сақловчиси/эгаси: Ўзбекистон Республикаси АТ “Алоқабанк”.
	2.4	Электрон танловни ўтказувчи операторнинг номи ва унинг веб-сайтига ҳавола: Иргашев С., тел.: (998 71) 230-77-77 (2111) e-mail: sardor.irgashev@aloqabank.uz
	2.5	Танлов Буюртмачи тузган, камида етти нафар аъзодан иборат танлов ўтказиш бўйича харид комиссияси (кейинги ўринларда «Харид комиссияси» деб юритилади) томонидан амалга оширилади.
3	3.1	Электрон танлов иштирокчиси (кейинги ўринларда «иштирокчи» деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси резиденти ёки норезиденти бўлган, давлат харидларини амалга ошириш талабори сифатида электрон танловда иштирок этувчи жисмоний ёки юридик шахс ҳисобланади.
	3.2	Иштирокчи: - давлат харидлари тўғрисидаги ахборотдан қонунчиликда назарда тутилган ҳажмда фойдаланиш; - Буюртмачига ёки у томонидан жалб қилинган ихтисослаштирилган ташкилотга сўровлар юбориш ва муайян давлат харидларини ўтказиш тартиб-таомиллари, талаблари ва шартлари бўйича изоҳлар олиш; - давлат харидлари бўйича шикоятларни кўриб чиқиш комиссиясига танлов натижаларига оид шикоят бериш; - таклифларга ўзгартиришлар киритиш ёки уларни қонун ҳужжатларига мувофиқ қайтариш ҳуқуқига эга.
	3.3	Иштирокчи: - давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этиши; - танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлган

		<p>таклифлар ва ҳужжатларни тақдим этиши ҳамда тақдим этилган ахборотнинг ишончлилиги учун жавобгар бўлиши;</p> <ul style="list-style-type: none"> - асосий бенефициар мулқдор тўғрисидаги маълумотларни ошкор этиши; - ғолиб деб топилган тақдирда, давлат буюртмачиси билан қонунчиликда назарда тутилган тартибда ва муддатларда шартнома тузиши шарт. <p>Иштирокчи ва унинг аффилланган шахси айни битта танлов лотида иштирок этиш ҳуқуқига эга эмас.</p>
	3.4	<p>Буюртмачи билан манфаатлар тўқнашувига эга бўлган Иштирокчи давлат харидлари иштирокчиси бўла олмайди.</p>
	3.5	<p>Иштирокчи давлат харидларининг ижроиси деб тан олинган тақдирда:</p> <ul style="list-style-type: none"> - танлов савдолари якунлари бўйича ғолиб деб расман эълон қилинган кундан эътиборан икки кун мобайнида давлат харидлари маҳсус ахборот порталида тегишли маълумотларни жойлаштириш орқали бевосита ёки билвосита 25 фоиз ёки ундан кўп акцияларга (улушга) ҳақиқатдан назорат қилишга эга бўлган ўзининг якуний наф олувчилари (бенефициарлари) тўғрисидаги ахборотларни ошкор қилишлари; - ўзларининг веб-сайтларида ва маҳсус ахборот порталида доимий асосда танлов савдолари бўйича имзолangan шартнома мажбуриятлари бажарилиши ҳақидаги маълумотларни жойлаштириб боришга мажбур.
4	Электрон танловда иштирок этишга киритиш	<p>Мижозлар ва иштирокчилар ҲҚПдаги шахсий ҳисобларига аванс тўловларни амалга оширганидан сўнг электрон танловга киритилади.</p> <p>Буюртмачи ва иштирокчилар электрон танловда электрон рақамли имзоларидан (кейинги ўринларда «ЭРИ» деб юритилади) фойдаланган ҳолда амалга оширади. Буюртмачилар ва иштирокчилар томонидан ЭРИдан фойдаланиш, электрон тизимда тузиладиган шартномаларни ҳақиқий деб топиш учун асос бўлиб ҳисобланади.</p>

4.3 Операторнинг электрон тизими автоматик режимда қуидагиларни амалга оширади:

- киритилган аванс суммасига мувофиқ ҳар бир лот бўйича электрон харидлардан фойдаланиш;
- электрон харидларни ўтказиш;
- электрон харидлар натижаси бўйича иштирокчини аниқлаш;
- битимни рўйхатга олиш ва шартномани шакллантириш.

4.4 Иштирокчиларни танловга киритиш улар томонидан порталдаги сўровномани тўлдириш йўли билан амалга оширилади.

Иштирокчиларни танловга киритиш, уларнинг қуидаги мезонларга мувофиқ бўлганда амалга оширилади:

- шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эгалик;
- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорликнинг мавжуд эмаслиги;
- ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги;
- Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги.

Солиқ органлари томонидан берилган ЭРИ иштирокчини шартнома тузишга қонуний ҳуқуққа эгалигини белгилайди.

Иштирокчи анкета-аризада унга нисбатан қўлланилган банкротлик тартиб-таомиллари мавжуд эмаслиги ҳамда солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорлик мавжуд эмаслиги ҳақида маълумотларни тасдиқлайди.

Иштирокчи томонидан анкета-ариза тўлдирилгандан сўнг, электрон тизим томонидан Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестри маълумотлари унда иштирокчи ҳақида ёзув мавжуд эмаслик ҳолати текширилади.

Оператор:

- иштирокчиларга ҲҚПда алоҳида шахсий ҳисоб рақамлар очади;
- иштирокчиларга шахсий кабинетлар ташкил этади.

- 5 Танловда иштирок этиш ва таклиф таъминотини тақдим этиш тартиби**
- 5.1 Таклифнинг **таъминот усули**, шу жумладан танлов иштирокчиси ўз таклифини қайтариб олмаслигига кафолат берувчи пул закалатини киритиш ва қайтариб олиш тартиби ҳамда миқдори электрон давлат харидлари тартиб-таомилларини тартибга солувчи меъёрий-хуқуқий ҳужжатларга мувофиқ белгиланади.
- 5.2 Электрон танловда иштирок этиш учун иштирокчи:
- etender.uzex.uz сайтининг рўйхатдан ўтиш саҳифасида керакли бўлимлар (мижоз тури, шахсий маълумотлар, контакт маълумотлари)ни тўлдиради. Якка тартибдаги тадбиркор ва резидент тизимда фақат электрон рақамли имзо (ЭРИ) ёрдамида рўйхатдан ўтишлари мумкин бўлади;
 - рўйхатдан ўтилгандан сўнг, ҲҚПда иштирокчи учун шахсий ҳисобварақ очилади. Иштирокчилар уларнинг ҲҚПдаги шахсий ҳисобварақларида аванс тўловининг етарли миқдори мавжуд бўлган тақдирда электрон давлат харидларида иштирок этадилар;
 - танлов шартлари билан батафсил танишган иштирокчи электрон танловда иштирок этиш учун ариза беради ва «Умумий маълумот» саҳифасида, «Товарлар ва буюмлар», «Талаблар» бўлимларида керакли маълумотларни тўлдиради. «Талаблар» бўлимига маълумот киритиш пайтида етказиб берувчи маълум талаб бўйича тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этиши сўралса, ушбу ҳужжат файл сифатида юкланиши керак.
- 5.3 Электрон танлов:
- бюджет буюртмачи томонидан ўтказилганда ғолиб аниқланунга қадар иштирокчиларнинг закалатлари Оператор томонидан блокланади. Электрон танлов ғолибининг закалати шартнома тузилгунга қадар блокланади;
 - корпоратив мижози томонидан ўтказилганда иштирокчиларнинг закалат қўйиш зарурати ва унинг миқдори корпоратив мижоз томонидан белгиланади, шунингдек қўйилган закалат Оператор томонидан электрон танлов ғолиби

билин шартнома тузилгунга қадар блокланади.

5.4 Иштирокчи томонидан таклифни таъминлаш суммасини тўлаш талаб этилмайди ва таъминот ҳужжати бир иш куни ичида қайтарилади ёки қўйидаги ҳодисалардан бири содир бўлганидан кейин қайтарилиши таъминланади:

- таклифни таъминлашнинг амал қилиш муддати тугаши;
- давлат харидлари тўғрисидаги шартноманинг кучга кириши ва ушбу шартномани бажариш таъминотининг тақдим этилиши;
- электрон танловни бекор қилиш;
- таклифни юборишнинг охирги муддати тугагунига қадар таклифни чақириб олиниши.

5.5 Оператор электрон танлов натижасида шартнома тузилганидан сўнг, бир иш куни давомида закалатни банддан ечади ва уни **ижрочининг** тегишли шахсий ҳисобварагига қайтаради.

Корпоратив буюртмачи томонидан ўтказилган электрон танловда иштирокчилар томонидан закалат киритилган тақдирда, у Оператор томонидан шартнома тузилганидан сўнг, бир иш куни давомида банддан ечилади ва **ижрочининг** тегишли шахсий ҳисобварагига қайтарилади.

Иштирокчининг аванс тўловлари суммаси бўйича ўтказилган электрон танлов якунларига кўра портал битимнинг ҳақиқий суммасидан операторнинг **воситачилик йигими**ни ундиради.

Иштирокчиларнинг банди бекор қилинган пул маблағлари, уларнинг топшириқларига асосан бошқа электрон давлат харидларида аванс тўловлари сифатида фойдаланилиши мумкин ёки хизмат кўрсатадиган банклардаги уларнинг ҳисобваракларига қайтарилади.

6 Танлов таклифларини баҳолаш тартиби

Харид комиссияси томонидан белгиланган муддатда электрон танлов ўтказилганда, электрон тизим автоматик тарзда иштирокчилар жойлаштирган ва уларнинг саралаш таклифлари бўлган электрон ҳужжатлардан фойдаланишни таъминлади.

Иштирокчи томонидан бириктирилган файллар

унинг танлов таклифида кўрсатилган маълумотларига мос бўлиши ҳамда электрон тизимдаги электрон майдонлар тўлдирилиши керак.

Электрон тизим иштирокчи таклиф этган нархни бошлангич нархга мувофиқлигини ва электрон майдонларнинг тўлдирилганлигини ҳамда бириктирилган файлларнинг мавжудлигини текширади. Иштирокчи томонидан таклиф этилган нарх бошлангич нархдан юқори бўлса, шунингдек тўлдирилмаган майдонлар мавжуд бўлса ёки бириктирилган файллар тўлиқ бўлмаса, электрон тизим рад этиш сабабини кўрсатган ҳолда иштирокчининг таклифини рад этади. Бириктирилган файллардаги маълумотларнинг иштирокчининг танлов таклифида кўрсатилган маълумотларга мувофиқлигини текшириш харид комиссиясининг масъул котиби томонидан амалга оширилади.

- 6.1 Танлов таклифларни баҳолаш қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:
 - танлов таклифининг танлов ҳужжатларида кўрсатилган талабларга мос равишда расмийлаштирилганлигини текшириш;
 - иштирокчининг малака талабларига мувофиқлигини баҳолаш (танлов ҳужжатларида назарда тутилган бўлса);
 - танлов таклифининг техник қисмини баҳолаш;
 - танлов таклифининг нарх қисмини баҳолаш.
- 6.2 Электрон тизим танлов таклифининг малака, техник ва нарх қисмларида мавжуд бўлган маълумотларни танлов таклифининг олдинги қисми баҳоланиши якунлангандан сўнг кетма-кетлик билан ошкор қилинишини таъминлайди.
- 6.3 Танлов таклифларни баҳолаш ва танлов ғолибини аниқлаш танлов ҳужжатлари (1-илова)да белгиланган кетма-кетлик, тартиб, мезон ва усул асосида амалга оширилади.

6.4 Иштирокчи қуидаги ҳолларда танловда иштирок этишдан четлаштирилади:

- инсофсиз ижро чиларнинг ягона реестрида у ҳақида ёзув мавжуд бўлса;
- унда солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорлик мавжуд бўлса;
- унга нисбатан банкротлик тартиб-таомиллари жорий этилган бўлса;
- иштирокчи танлов ҳужжатларининг малака, техник ва тижорат талабларига жавоб бермаса;
- иштирокчи давлат харидлари жараёнида давлат буюртмачиси томонидан бирор-бир ҳатти-ҳаракатнинг содир этилишига, қарор қабул қилинишига ёки бирор-бир харид қилиш тартиб-таомилининг қўлланилишига таъсир ўtkазиш мақсадида давлат буюртмачисининг ёки бошқа давлат органининг исталган ҳозирги ёки собиқ мансабдор шахсига ёки ходимига ҳар қандай шаклдаги ҳақни, ишга ёллаш тўғрисидаги таклифни ёхуд исталган бошқа қимматбаҳо ашёни ёки хизматни бевосита ёхуд билвосита таклиф қилса, берса ёки беришга розилик билдирса;
- иштирокчи рақобатга қарши ҳаракатларни содир этса ёки қонунчиликни бузган ҳолда манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқарса, шунингдек аффилланганлик ҳоллари аниқлансанса;
- иштирокчи томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза тақдим этилмаса;
- шартнома тузиш учун қонуний ҳукуққа эгалик қилмаса;
- иштирокчилар белгиланган муддатда зарур ҳужжатлар тўпламини тақдим этмасалар ёки ўз вақтида тақдим этилган ҳужжатлар тўплами танлов ҳужжатлар талабларига жавоб бермаса;
- танлов иштирокчиси тақдим этган ҳужжатлардаги маълумотларнинг нотўғрилиги аниқланган бўлса.

Иштирокчини харид қилиш тартиб-таомилларида иштирок этишдан четлаштириш тўғрисидаги қарор ва унинг сабаблари харид қилиш тартиб-таомиллари тўғрисидаги ҳисоботга киритилади ва ушбулар ҳақида дарҳол тегишли иштирокчига

		хабар қилинади.
6.5		<p>Танлов таклифи Қонун ва танлов ҳужжатларининг талаблариға мувофиқ бўлса, у тегишли тарзда расмийлаштирилган деб топилади. Танлов таклифи тегишли тарзда расмийлаштирилганлиги ёки расмийлаштирилмаганлиги бўйича харид комиссияси масъул котибининг қарори унинг асосланган сабаблари билан харид комиссияси томонидан тасдиқланиши лозим.</p> <p>Иштирокчининг танлов таклифи талабларга мос келмаганлиги тўғрисидаги қарор, унинг сабаблари кўрсатилган ҳолда, ушбу қарор қабул қилинган кунда иштирокчининг шахсий кабинетига юборилади.</p>
6.6		<p>Танлов таклифларини баҳолашда Харид комиссияси электрон танлов иштирокчиларидан уларнинг танлов таклифлари юзасидан тушунтиришлар сўраши мумкин. Ушбу тартибтаомил электрон шаклда амалга оширилади.</p> <p>Тушунтириш жараёнида таклифнинг моҳияти, шунингдек нархи юзасидан бирор-бир ўзгартиришларга йўл қўйилмайди.</p>
6.7		<p>Танлов иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш муддати таклифлар бериш тугаган пайтдан эътиборан 45 (қириқ беш) иш кунидан кўп бўлиши мумкин эмас.</p>
7	Электрон танловда иштирок этиш учун таклиф бериш	<p>7.1</p> <p>Танловда иштирок этиш учун таклиф давлат тилида, ва заруриятга қараб, бошқа тилларда тайёрланади.</p> <p>7.2</p> <p>Электрон танлов ўтказилганда иштирокчилар танлов таклифларини электрон конверт кўринишида ўзларининг шахсий кабинетлари орқали электрон танловни ўтказиш тўғрисидаги эълонда кўрсатилган муддатдан кечиктирмай тақдим этадилар.</p> <p>Ҳар бир жойлаштирилган электрон ҳужжат иштирокчининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.</p> <p>7.3</p> <p>Танлов таклифи билан биргаликда иштирокчилар эскизлар, расмлар, чизмалар, фотосуратлар ва бошқа ҳужжатларни* файл сифатида</p>

жойлаштиришлари мумкин.

**Агар давлат харидлари шартларида иштирокчилар томонидан харид объекти бўлмиш намунани, маҳсулотнинг намунасини тақдим этилиши кўзрда тутилган бўлса, харид комиссияси улар иштирокчилар томонидан топширилишининг алоҳида тартибини белгилайди.*

Бунда иштирокчиларнинг танлов тақлифлари электрон тизимдаги шаблонларга мувофиқ ҳужжатларни бириктириш орқали тақдим этилади. Иштирокчи томонидан кўрсатилган маълумотлар бириктирилган ҳужжатлардаги маълумотларга мос келиши керак.

- 7.4 Танлов тақлифларини очиш муддати етиб келгунга қадар улар электрон танлов иштирокчилари, шу жумладан харид комиссияси масъул котиби ва аъзолари томонидан кўрилишига йўл қўйилмайди, бундан ушбу тақлифларни тақдим этган иштирокчи мустасно. Мазкур талабнинг бажарилишига оператор жавобгар ҳисобланади.
- 7.5 Электрон танлов иштирокчиси:
- битта лотга фақат битта танлов тақлифини беришга ҳақли;
 - тақдим этилаётган ахборот ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва ҳаққонийлиги учун жавобгар бўлади;
 - тақдим этилган танлов тақлифларини бериш муддати тугагунига қадар берилган танлов тақлифини чақириб олишга ёки унга ўзgartиришлар киритишга ҳақлидир.
- 7.6 Жойлаштирилган эълонда кўрсатилган муддат ва вақтда электрон тизим танлов тақлифларини қабул қилишни тўхтатади.
- 7.8 Иштирокчининг техник тақлифи қуйидаги ҳужжатларни ўз ичига олиши керак:
- ушбу йўриқномага илова қилинган 6-шакл бўйича тақлиф этилаётган товарлар (ишлар, хизматлар) учун техник тақлиф ва техник тавсифларнинг қиёсий жадвали;
 - товар ишлаб чиқарувчи завод (ишлаб

		<p>чиқарувчи)нинг ишончномаси (5-сонли шакл) ёки ишлаб чиқарувчидан авторизация хати (электрон танлов иштирокчиси таклиф этилаётган товар ишлаб чиқарувчиси бўлмаса);</p> <ul style="list-style-type: none"> - техник ҳужжатлар (брошюралар, техник паспортлар, ишлатиш бўйича йўриқномалар ва таклиф этилаётган товарнинг тўлиқ ва батафсил тавсифини ўз ичига олган бошқа ҳужжатлар).
7	7.9	Иштирокчининг нарх таклифи электрон тизимнинг тегишли бўлимига киритилади.
8	8.1	Зарур бўлган ҳолларда буюртмачи томонидан танлов таклифлари бериш муддати узайтирилиши ёки иштирокчиларга уларнинг танлов таклифларининг амал қилиш муддати харид комиссиясининг қарори билан маълум вақтга узайтириш таклифи билан мурожаат қилиши мумкин.
8	8.2	<p>Буюртмачи харид комиссияси билан келишилган ҳолда танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан бир иш кунидан кечиктирмай танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.</p> <p>Товар (иш, хизмат)нинг номини ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танлашда таклифларни тақдим этишнинг тугаш муддати танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн иш кунига узайтирилиши креак. Шу билан бирга, эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади.</p>
9	9.1	<p>Танлов ҳужжатларида белгиланган шартлардан келиб чиқиб электрон тизим автоматик равишда:</p> <p>танлов таклифларининг техник қисмини баҳолаш натижаларига кўра электрон танловда иштирок этишни давом эттиришга рухсат берилган иштирокчилар орасидан энг паст нархни таклиф этган иштирокчини (<u>энг паст нарх усулидан фойдаланганда</u>) голиб сифатида аниқлайди.</p> <p>Захира ижроқисини аниқлаш мазкур бандда белгиланган тартибда амалга оширилади.</p>

	9.2	<p>Танлов ўтказилмаган деб топилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> - агар унда битта иштирокчи иштирок этган ёки биронта иштирокчи иштирок этмаган бўлса; - агар техник баҳолаш босқичида харид комиссияси барча таклифларни рад этса ёки фақат битта таклиф танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлса. <p>Бунда буюртмачи танлов ҳужжатларида, товарларга (ишларга, хизматларга) қўйиладиган мезонлар ва талабларда белгиланган шартлар асосида яна электрон танлов ўтказиши шарт.</p>
	9.3	<p>Танлов таклифларини кўриб чиқиш натижаларига кўра харид комиссиясининг котиби тизимдаги мавжуд шаблонлар асосида харид комиссия йиғилишининг электрон баённомаларини шакллантиради ва тасдиқлаш учун харид комиссияси аъзоларига йўллади.</p> <p>Харид комиссияси аъзолари йиғилишининг электрон баённомаларини электрон рақамли имзоларидан фойдаланган ҳолда тасдиқлади. Электрон баённомадан кўчирма порталда автоматик равишда эълон қилинади.</p>
	9.4	<p>Электрон танловининг ҳар қандай иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг буюртмачига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли.</p> <p>Буюртмачи бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичидан танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни чат орқали тақдим этиши шарт.</p>
10	Бошқа шартлар	<p>10.1 Танлов ғолиби тузилаётган шартноманинг умумий суммасининг 1% миқдорида шартнома мажбуриятларини бажариш кафолатини тақдим этади.</p> <p>10.2 Электрон танлов иштирокчиси танлов ҳужжатларидағи талабларни тушунтириш талаби билан буюртмачига очиқ электрон чат орқали танлов таклифларини бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин сўров юборишга ҳақли. Мазкур сўров келиб тушган санадан</p>

		эътиборан икки иш куни мобайнида буюртмачи, агар мазкур сўров буюртмачига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камидан икки кун олдин келиб тушган бўлса, тендер ҳужжатлари қоидаларига доир тушунтиришларни белгиланган шаклда юбориши шарт. Танлов ҳужжатлари қоидаларига оид тушунтиришлар уларнинг моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.
10.3		Электрон танлов иштирокчиси таклифларни бериш муддати тугагунига қадар берилган танлов таклифини қайтариб олишга ёки унга ўзгартиришлар киритишга ҳақли.
10.4		Буюртмачи ғолиб бўлган таклиф акцептига қадар исталган вақтда танловни бекор қилиш ҳуқуқига эга. Танлов бекор қилинган тақдирда буюртмачи бундай қарор қабул қилингандан кейин уч иш куни ичida давлат харидларининг электрон тизими орқали маҳсус ахборот порталида мазкур қарорнинг асослантирилган сабабларини эълон қиласди.
Шартнома тузиш	12.1	Электрон танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатлари ва танлов ғолибининг таклифида кўрсатилган шартларда, ғолиб эълон қилинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай электрон шаклда тузилади. Шартнома тарафларнинг электрон рақамли имзолари билан имзоланади ва шартномалар реестрига киритилади.
	12.3	Ғолиб шартнома тузишни рад этган тақдирда унга закалат суммаси қайтариб берилмайди. Агар захирадаги ғолиб аниқланган бўлса, шартнома тузиш ва унга доир мажбуриятларни бажариш ҳуқуки захирадаги ғолибга ўтади. Бунда захирадаги ғолиб ғолиб томонидан таклиф этилган нархда (бундан захирадаги ғолиб таклиф этган нарх ғолиб томонидан таклиф этилган нархдан паст бўлган ҳоллар мустасно) шартнома тузади ёки шартнома тузишдан бош тортиши мумкин. Агар захирадаги ғолиб аниқланмаган бўлса ёки захирадаги ғолиб шартнома тузишдан бош тортса, буюртмачи янги электрон танлов ўтказади.

**Харид хужжатларига
1-илова**

**ИШТИРОКЧИЛАР ВА ТАКЛИФЛАРНИ
БАҲОЛАШ ТАРТИБИ ВА МЕЗОНЛАРИ**

Талаб этиладиган маълумотлар тақдим этилмаса, Иштирокчи дисквалификация қилинади.

Баҳолаш мезонлари

№	Мезон	Баҳо	Изоҳ
1	Давлат рўйхатидан ўтказиш ва СТИР хужжатлари.	Ҳа (мавжуд) / Йўқ (мавжуд эмас)	Агар йўқ бўлса (мавжуд эмас), Иштирокчи дисквалификация қилинади
2	Охирги ҳисобот йили учун бухгалтерия ҳисоботлари ёки аудиторлик хulosаси (pdf нусхаси илова қилинади).	Ҳа (мавжуд) / Йўқ (мавжуд эмас)	Агар йўқ бўлса (мавжуд эмас), Иштирокчи дисквалификация қилинади
3	Иштирокчининг таъсисчилар тузилмаси, ташкилот ташкил этилгандан бери барча мулк эгалари, шу жумладан бенефициарлар-мулқдорлар - мулк эгаларини ўз ичига олади.	Ҳа (мавжуд) / Йўқ (мавжуд эмас)	Агар йўқ бўлса (мавжуд эмас), Иштирокчи дисквалификация қилинади
4	Иштирокчиларнинг таъсисчилари бир хил юридик ва жисмоний шахслар бўлмаслиги ёки бошқа шаклда аффилланган бўлмаслиги керак (электрон шаклда тўлдирилади. Шунингдек, иштирокчиларнинг аффилл анганлиги Буюртмачи томонидан мустақил равишда текширилади).	Ҳа (мавжуд) / Йўқ (мавжуд эмас)	Ҳа бўлса, Иштирокчи дисквалификация қилинади
5	Аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензия (pdf нусхаси илова қилинади).	Ҳа (мавжуд) / Йўқ (мавжуд эмас)	Агар йўқ бўлса (мавжуд эмас), Иштирокчи дисквалификация
6	Тижорат банкларида аудиторлик текширувани ўтказиш ҳуқуқини берувчи Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг сертификати (pdf нусхаси илова қилинади).	Ҳа (мавжуд) / Йўқ (мавжуд эмас)	Агар йўқ бўлса (мавжуд эмас), Иштирокчи дисквалификация қилинади

7	Фуқаролик жавобгарлиги суғурта полиси (pdf нусхаси илова қилинади).	Ҳа (мавжуд) / Йўқ (мавжуд эмас)	Агар йўқ бўлса (мавжуд эмас), Иштирокчи дисквалификация
8	Ўзбекистон Республикаси банклари ва корхоналарининг аудити соҳасида иш тажриба ва аудиторлик хизматларини кўрсатиш учун зарур бўлган ходимлар нинг мавжудлиги (электрон шаклда тўлдир илади).	Ҳа (мавжуд) / Йўқ (мавжуд эмас)	Йўқ бўлса, Иштирокчи дисквалификация қилинади
9	Иштирокчи: -қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида; -Буюртмачи билан суд муҳокамаси ёки арбитраж муҳокамаси босқичида эмас (электрон шаклда тўлдирилади).	Ҳа/ Йўқ	Йўқ бўлса, Иштирокчи дисквалификация қилинади
10	Иштирокчининг илгари тузилган шартномалари бўйича лозим даражада бажарилмаган мажбуриятлари йўқ (электрон шаклда тўлдирилади).	Ҳа/ Йўқ	Йўқ бўлса, Иштирокчи дисквалификация қилинади
11	Иштирокчи коррупция кўринишларига йўл қўймасликка кафолат беради (электрон шаклда тўлдирилади).	Розиман / Рози эмасман	Рози бўлмаса, Иштирокчи дисквалификация қилинади
12	Солиқлар ва йиғимлар бўйича муддати ўтган қарзларнинг йўқлиги тўғрисида маълумотнома (pdf нусхаси илова қил инади).	Ҳа (мавжуд) / Йўқ (мавжуд эмас)	Агар йўқ бўлса (мавжуд эмас), Иштирокчи дисквалификация қилинади
13	Талабгорнинг ишчи гуруҳида камида 2 та сертификатланган ACCA, CPA, CIPA мутахассисларнинг мавжудлиги (pdf нусхаси илова қилинади).	Ҳа (мавжуд) / Йўқ (мавжуд эмас)	Агар йўқ бўлса (мавжуд эмас), Иштирокчи дисквалификация қилинади
14	Танлов Иштирокчиси МДҲдаги камида 1та ташкилотнинг ички аудит хизмати фаолиятини ташқи баҳолаш тажрибасига эга бўлиши керак. Иштирокчи ўз маълумот хатини тақдим этади (pdf нусхаси илова қилинади).	Ҳа (мавжуд) / Йўқ (мавжуд эмас)	Агар йўқ бўлса (мавжуд эмас), Иштирокчи дисквалификация қилинади

15	Ижрочи Буюртмачининг ички аудит хизмати фаолиятини ушбу харид ҳужжатлари талабларига қатъий равишда риоя қилган ҳолда ташқи баҳолаш хизматини кўрсатади (электрон шаклда тўлдирилади).	Розиман / Рози эмасман	Рози бўлмаса, Иштирокчи дисквалификация қилинади
16	Иштирокчининг ушбу Харид ҳужжатлар ининг шартлари ва талабларига мувоғиқ равишда шартномани имзолашга розилиги (электрон шаклда тўлдирилади).	Розиман / Рози эмасман	Рози бўлмаса, Иштирокчи дисквалификация қилинади

ИШТИРОКЧИНИНГ ФИРМА БЛАНКАСИДА

№: _____

Сана: _____

Харид комиссияси

АРИЗА

(хизмат номи кўрсатилсин) мавзусида хизматлар кўрсатиш учун ____-сонли танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларини ҳамда сўровларга жавобларни (уларни қабул қилиб олганимизни тасдиқлаймиз) ўрганиб чиқиб, биз қуида имзо чекувчилар, танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларига мувофиқ хизматлар кўрсатиш бўйича электрон танловда иштирок этиш ниятимизни билдирамиз.

Шу муносабат билан қуидаги ҳужжатларни юборамиз:

1. Электрон танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумот;
2. Малакавий ҳужжатлар тўплами _____ варақда (варақалар, буклетлар, рисолалар ва бошқалар тақдим этилган тақдирда варақлар сонини кўрсатилсин);
3. Техник таклиф (варақалар, буклетлар, рисолалар ва бошқалар тақдим этилган тақдирда варақлар сонини кўрсатилсин);
4. Бошқа ҳужжатлар (бошқа ҳужжатлар тақдим этилган тақдирда, уларнинг номи ва варақларнинг сонини кўрсатиш керак).

Таклифни тайёрлаш учун масъул шахснинг Ф.И.Ш.:

Алоқа телефони / факс: _____

Электрон почта манзили _____

Раҳбарнинг ёки ваколатли шахснинг Ф.И.Ш. ва имзоси

Муҳр ўрни

ИШТИРОКЧИННИГ ФИРМА БЛАНКАСИДА

№: _____

Сана: _____

Харид комиссияси

КАФОЛАТ ХАТИ

Ушбу хат билан биз _____ компания
(компаниянинг номи)

билин боғлиқ қуийдагиларни тасдиқлаймиз:

- қайта ташкил этиш, тугатиш босқичида эмас;
- АТ «Алоқабанк» билан суд ёки ҳакамлик муҳокамаси ҳолатида эмас;
- АТ «Алоқабанк» билан илгари тузилган шартномалар бўйича лозим даражада бажарилмаган мажбуриятлар мавжуд эмас;
- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича муддати ўтган қарзлар мавжуд эмас.

Имзолар:

Раҳбарнинг Ф.И.Ш. _____

Бош бухгалтернинг (молия бўлими бошлиғининг) Ф.И.Ш. _____

Юристнингн Ф.И.Ш. _____

Мухр ўрни

Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумот

1	Ташкилий-хуқуқий шаклини кўрсатган ҳолда юридик шахснинг тўлиқ номи	
2	Рўйхатдан ўтиш ҳақида маълумот (рўйхатдан ўтган сана, рўйхатга олиш рақами, рўйхатга олиш органининг номи)	
3	Юридик манзил	
4	Алоқа телефони, факс, e-mail	
5	Тўлиқ банк реквизитлари	
6	Фаолиятнинг асосий йўналишлари	
7	Таъсисчилар тўғрисидаги маълумотлар (тақдим этилиши шарт)*	
8	Бенефициар мулқдорлар тўғрисидаги маълумотлар (тақдим этилиши шарт)*	

* Таъсисчилар ва бенефициар мулқдорлар тўғрисидаги маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатлар бўлиши керак

Ушбу хизматни тақдим этиш тажрибаси ҳақида маълумот

№	Хизмат предметининг номи	Буюртмачининг номи, унинг манзили ва алоқа маълумотлари	Хизмат кўрсатиш санаси	Эслатма

(ваколатли шахснинг имзоси)

(ваколатли шахснинг Ф.И.Ш. ва лавозими)

М.Ў.

Сана: « ____ » 20 ____ й.

ИШТИРОКЧИНИНГ МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТИ (*)

Танлов иштирокчисининг номи: _____
 мингда _____ (валютаси кўрсатилсин)

АКТИВ	2019й.	2020й.	2021й.	ПАССИВ	2019й.	2020й.	2021й.
I. Узоқ муддатли активлар				I. Ўз маблағлари манбалари			
Асосий воситалар (қолдиқ қиймати)				Устав капитали			
Номоддий активлар (қолдиқ қиймати)				Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)			
				Мақсадли тушумлар			
Қимматли қоғозлар				II. Мажбуриятлар			
капитал қўйилмалар				Узоқ муддатли мажбуриятлар, қарзлар			
Инвестициялар				Жами кредиторлик қарзлари:			
II. Жорий активлар				шу жумладан муддати ўтган			
Ишлаб чиқариш захиралари				шу жумладан бюджет қарзлари			
Тугалланмаган ишлаб чиқариш				шу жумладан мехнатга ҳақ тўлаш бўйича қарзлар			
Тайёр маҳсулот Маҳсулотлар							
Дебиторлик қарздорлиги							
Пул маблағлари							
бошқа жорий активлар							
Жами баланс активи бўйича (I.+ II. бўлимлар)				Жами баланс пассиви бўйича (I.+ II. бўлимлар)			

МОЛИЯВИЙ НАТИЖА

мингда _____ (валютаси кўрсатилсин)

Номи	2019й.	2020й.	2021й.
1. Сотишдан тушган соф даромад			
2. Сотилган маҳсулот таннархи			
4. Маъмурий харажатлар			
5. Бошқа харажатлар			
6. Бошқа даромадлар			
7. Даромад солигидан олдинги фойда			
8. Даромад солиги			
9. Фойда (зарар)			

Раҳбар._____

Бош бухгалтер_____

Муҳр ўрни

Сана: « ____ » ____ 20 ____ й.

(*) молиявий ҳолати бошқа мезонлар билан белгиланадиган компаниялар ўзларининг молиявий ҳолатларини белгилайдиган бошқа шаклни тақдим этишлари мумкин.

Эслатма: Иштирокчи молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботларнинг нусхаларини (баланслар варақалари) илова қилиши шарт, ва ушбу ҳисоботларни ДСҚ (хорижий юридик шахслар учун бошқа ваколатли органлар) электрон шаклда қабул қилганлигини тасдиқлаган бўлиши лозим.

ФИРМА БЛАНКАСИДА

Харид комиссияси

коррупция ҳолатларини олдини олиш юзасидан

АРИЗА

Ушбу хат билан биз _____ компания
(компаниянинг номи)

билин боғлиқ қўйидагиларни тасдиқлаймиз:

а) ўз зиммасига олади:

- Ўзбекистон Республикасининг 22.04.2021 йилдаги «Давлат харидлари тўғрисида»ги ЎРҚ-684-сонли Қонуни талабларига риоя этиш;

- давлат харидлари жараёнида ҳар қандай ҳаракатни амалга оширишига, қарор қабул қилишига ёки мижознинг харид тартибини қўллашига таъсир қилиш мақсадида мижознинг ёки бошқа давлат органининг амалдаги ёки собиқ мансабдор шахсига ёки ишчисига ҳар қандай шаклдаги мукофот, ишга қабул қилиш таклифи ёки бошқа бирон бир қимматли нарса ёки хизматни бевосита ёки билвосита таклиф қилмаслик ёки бермаслик;

- рақобатга қарши ҳаракатларни амалга оширмаслик, шу жумладан афилланганлик ҳолатлари аниқланганда ҳам;

- фирибгарлик, маълумотларни сохталашибтириш ва коррупциянинг олдини олиш;

- сохта ёки қалбаки ҳужжатларни тақдим этмаслик, ушбу лотда иштирок этувчи афилланган шахслар тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиш;

б) тасдиқлайди:

- Буюртмачи билан манфаатлар тўқнашувига эга эмас, ижрочини танлаш бўйича қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган таъсисчилар ва/ёки ходимлар орасида яқин қариндошлари йўқ;

- нархлар ёки танлов натижаларини нотўғри кўрсатиш учун бошқа иштирокчилар билан тил бириктиргмаган.

Имзолар:

Раҳбарнинг Ф.И.Ш. _____

Бош бухгалтернинг (молия бўлими бошлиғининг) Ф.И.Ш. _____

Юристнингн Ф.И.Ш. _____

Мухр ўрни

**Иштирокчилар томонидан тақдим этилиши керак бўлган ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

6-сонли шаклнинг 1-Иловаси

T/P	Ҳужжат номи	Юридик шахс	Янги контрагент	Амалдаги контрагент
1	Давлат рўйхатидан ўтказилганини тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси (Гувоҳнома)	Юридик шахс	Мажбурий	Мажбурий
2	Солиқ рўйхатига олинганини тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан СТИР	Юридик шахс	Мажбурий	Мажбурий
3	КТЯДР дан олинган маълумотлар	Юридик шахс	Мажбурий	Мажбурий
4	Агар мавжуд бўлса, устав ва бошқа таъсис ҳужжатларининг нусхаси (ҳеч бўлмаганда сарлавҳа саҳифаси, юридик манзили, фаолият турлари, устав капитали, таъсисчилар, ижроия органи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган саҳифалар, муҳрлар бўлган саҳифа)	Юридик шахс	Мажбурий	Ўзгариш юз бергандан сўраб олиш
5	Контрагент вакилининг Жамият билан битим тузиш, шу жумладан, шартнома муносабатларини тузиш ваколатини тасдиқловчи ишончнома ёки бошқа ҳужжатлар нусхаси.	Юридик шахс	Мажбурий	Мажбурий
6	Контрагентнинг, шу жумладан, барча мулқдорлардан тортиб охирги бенифициар мулқдорлар даражасигача уларнинг эгалик қилиш тузилмасиши ва эгалик улушлари тўғрисидаги маълумотнома (хат ва/ёки тасдиқловчи ҳужжатлар	Юридик шахс	Мажбурий	Ўзгариш юз бергандан сўраб олиш

	шаклида тақдим этилиши мүмкін).			
7	Охирғи ҳисобот даври учун бухгалтерия ва солиқ ҳисоботи.	Юридик шахс	Мажбурий	Мажбурий
8	Белгиланған иш/хизматларни бажарып учун малакали ходимларнинг мавжудлиги түррисида маълумот (хат ва/ёки тасдиқловчи ҳужжатлар шаклида тақдим этилиши мүмкін)	Юридик шахс	Мажбурий	Үзгариш юз берганда сўраб олиш
9	Лицензиялар ва мувофиқлик сертификатлари	Юридик шахс	Сотиб олинган товарлар / ишлар / хизматлар турига қараб мажбурий	Сотиб олинган товарлар / ишлар / хизматлар турига қараб мажбурий

ФИРМА БЛАНКАСИДА

Танлов бўйича _____-сонли техник тақлиф (танлов рақами ва предметини кўрсатинг).

№: _____

Сана: _____

Харид комиссияси

Хурматли хонимлар ва жаноблар!

_____ мавзу _____-сонли хизматлар кўрсатиш танлови бўйича харид ҳужжатлари ва ушбу билан олингандиган сўровларга жавобларни ўрганиб чиқиб, биз, қуида имзо чеккан (танлов Иштирокчисининг тўлиқ номи),
_____ (хизмат номини кўрсатинг)
кўрсатишни тақлиф қиласиз.

Биз ушбу техник тақлифга тўла мувофиқ ҳолда Танлов ғолиби билан тузиладиган шартнома бўйича хизматлар кўрсатиш мажбуриятини ўз зиммамизга оламиз.

Биз танлов тақлифларни қабул қилишнинг охирги куни сифатида белгиланган санадан бошлаб 90 кун давомида ушбу тақлиф шартларига риоя қилишга розимиз. Ушбу тақлиф биз учун мажбурий бўлиб қолади ва белгиланган муддат тугашидан олдин исталган вақтда қабул қилиниши мумкин.

Иловалар:

- кўрсатиладиган хизмат учун техник тавсифларнинг қиёсий жадвали _____ варакда;
- техник ҳужжатлар рўйхати (брошюралар, сертификатлар ва бошқалар ёки хизматнинг тўлиқ ва батафсил тавсифини ўз ичига олган бошқа ҳужжатлар).

(вакил қилинган шахснинг имзоси)

(вакил қилинган шахснинг Ф.И.Ш. ва лавозими)

М.Ў.

Сана: « ____ » 20 ____ й.

Кўрсатиладиган хизмат учун техник тавсифларнинг қиёсий жадвали

1-жадвал

№	Техник топширикка мувофиқ талабнинг номи / кўрсаткичи	Иштирокчининг таклифига мувофиқ кўрсаткич	Изоҳ (мувофиқ / мувофиқ эмас)
_____ (хизмат номи) танлови			
1			
2			

Рахбар ёки иштирокчининг ваколатли шахсининг Ф.И.Ш. ва имзоси

Мухр ўрни

Дастлабки малакавий баҳолаш тартиби ва мезонлари

№	Танловда иштирок этиш учун иштирокчилар томонидан тузилган хужжатлар ва маълумотлар	Изоҳ	Иштирокчини четлатиш учун асос
1	<p>Кўйидагиларни тасдиқловчи кафолат хати</p> <p>- иштирокчи қайта ташкил этиш, тугатиш босқичида эмас;</p> <p>- иштирокчи буюртмачи билан суд ёки ҳакамлик муҳокамаси ҳолатида эмас;</p> <p>- иштирокчининг илгари тузилган шартномалар бўйича лозим даражада бажарилмаган мажбуриятлари йўқ.</p>	Ҳа – 10 балл Йўқ – 0 балл	<i>Йўқ бўлса, Иштирокчи четлатиласди.</i>
2	Иштирокчи ва иштирокчининг банкини оффшор зоналарда рўйхатдан ўтганлиги	Мавжуд – 0 балл Мавжуд эмас – 10 балл	Мавжуд бўлса, <i>Иштирокчи четлатиласди.</i>
3	Камида олти ой мобайнида Давлат органлари рўйхатда бўлса	Бор – 10 балл Йўқ – 0 балл	<i>Йўқ бўлса, Иштирокчи четлатиласди.</i>
4	Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумот	Тақдим этилган – 10 балл Тақдим этилмаган – 0 балл	<i>Агар иштирокчи томонидан тегисили хужесжатлар ва маълумотларни тақдим қилинмаса, Иштирокчи четлатиласди.</i>
5	Иштирокчининг молиявий ҳолати тўғрисида маълумот		
6	Танлов аризасини имзолаган шахснинг номига ишончнома		
7	Манфаатлар тўқнашуви: Манфаатлар тўқнашуви ва аффиллангалик ҳолатлари мавжуд иштирокчилар кейинги босқичга қўйилмайди	Мавжуд – 0 балл Мавжуд эмас – 10 балл	Мавжуд бўлса, <i>Иштирокчи четлатиласди.</i>

Танлов таклифининг техник қисмини баҳолаш:

Техник таклиф хужжатлари асосида амалга оширилади. Таклифлари техник баҳолашдан ўтмаган иштирокчилар танловда иштирок этишдан четлаштирилади.

3-жадвал

№	Мезон	Баҳо	Изоҳ
1	Танлаш бўйича харид хужжатларининг техник қисмига мувофиқлиги	мувофиқ – 20 балл мувофиқ эмас – 0 балл	Мувофиқ келмаса иштирокчи четлаштирилади

Минимал ўтиш балли: 70 балл.

II. ТЕХНИК ҚИСМИ

I. Тавсифи ҳамда талаб этиладиган функционал, техник, сифат ва эксплуатация қилиниш хусусиятлари

1. Мақсад - ички аудит хизмати фаолиятини ташқи баҳолаш

1.1. Акциядорлик тижорат «Алоқабанк»нинг (бундан буён матнда «Банк» деб юритилади) Ички аудит хизмати (бундан буён матнда «ИАХ» деб юритилади) фаолиятини Ички аудитнинг халқаро профессионал стандартлари (бундан буён матнда «Стандартлар» деб юритилади) талабларига ва ИАХ функцияларини тартибга солувчи ички меъёрий ҳужжатлар талабларига, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 07.05.2021 йилдаги 3302 – сонли Низомига, шунингдек, ИАХ фаолиятини рискка қаратилган ёндашув асосида ташкил этишга қаратилган банкнинг ички аудит Низоми талабларига мувофиқ кўриб чиқиш.

2. Мустақил баҳолашни амалга ошириш формати

2.1. Ушбу вазифани амалга ошириш жараёнида Ижрочи ИАХни мустақил баҳолаш учун Ички аудиторлар институтининг (бундан буён матнда «ИАИ» деб юритилади) талаблари ва методологиясига мувофиқ барча зарур ҳаракатлар ва тартиб-таомилларни бажариши шарт, бунинг учун эса энг яхши жаҳон тажрибасига мувофиқлиги юзасидан қиёсий таҳлил қилиш мақсадида ИАХнинг ишчи ҳужжатлари ва ҳисоботларини танлаб ўрганади. Шунингдек, баҳолаш натижаларига кўра, Ижрочи ИАХ фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган, шунингдек, ИАХга ўз фаолияти доирасида рискка қаратилган ёндашувни таъминлайдиган амалий тавсиялар бериши шарт;

2.2. ИАХ фаолиятининг Банк Кузатув кенгаши ва Аудиторлик Қўмитаси ҳамда бошқа манфаатдор томонларнинг истакларига мувофиқлигини таҳлил қилиш;

2.3. ИАХ Низомини, аудиторлик режаси ва дастурини, методологиясини ва воситаларини, ишчи ҳужжатларини, ҳисбот шаклларини, тавсиялари ва уларнинг бажарилишини ички аудитнинг профессионал амалиётининг халқаро асосларига мувофиқлигини баҳолаш;

2.4. Бажарилган ишлар натижалари бўйича ҳисбот тузиш ва ИАХ фаолиятини янада такомиллаштиришга, шунингдек, ўз фаолияти доирасида ИАХнинг рискка асосланган ёндашувини таъминлашга қаратилган тегишли тавсияларни ишлаб чиқиш;

2.5. Ишлар қўйидаги босқичларда амалга оширилиши лозим:

1-босқич. ИАХ фаолиятини дастлабки баҳолаш натижалари бўйича ҳисбот:

- ИАХ Низомини, аудиторлик режаси ва дастурини, методологиясини ва воситаларини, ишчи ҳужжатларини, ҳисбот шаклларини, тавсиялари ва уларнинг бажарилишини ички аудитнинг профессионал амалиётининг халқаро асосларига мувофиқлигини баҳолаш;
- Ички аудит ва Ички аудит жараёnlарига ёндашувларни таҳлил қилиш;
- ИАХ фаолиятини стандартлар талабларига ва ИАХ функцияларини тартибга солувчи ички меъёрий ҳужжатлар талабларига, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 07.05.2021 йилдаги 3302 – сонли Низомига мувофиқлик даражасини аниqlаш;

- ИАХ тузилмасини миқдор ва сифат жиҳатдан, шу жумладан ходимларнинг самарадорлиги бўйича таҳлилни амалга ошириш;
- ИАХ фаолиятини баҳолаш натижалари бўйича такомиллаштириш йўналишлари, шу жумладан рискка қаратилган ёндашувни такомиллаштириш бўйича тавсияларни кўрсатган ҳолда дастлабки ҳисботни тайёрлаш;

2-босқич. ИАХ фаолиятини такомиллаштириш ва тўлиқ рискка қаратилган ёндашувни амалга ошириш бўйича консалтинг ёрдамини кўрсатиш:

- 1-босқич натижалари бўйича ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва янгилаш ҳамда рискка қаратилган ёндашув асосида ички аудитни амалга ошириш бўйича консалтинг ёрдамини кўрсатиш;
- ИАХ ходимлари учун рискка қаратилган ёндашув асосида **ички аудитни режалаштириш**, шунингдек, рискларни аниқлаш ва баҳолашнинг амалий усувларини ўрганиш бўйича қисқа муддатли (оффлайн) тренинг ўтказиш;

3-босқич. Якуний ҳисботни тайёрлаш:

- манфаатдор тарафлар (Кузатув Кенгаши, Аудит қўмитаси ва банк Бошқаруви) учун ИАХ фаолиятини баҳолаш натижалари бўйича якуний ҳисботни тайёрлаш;

2.6. Ижрочининг лойиҳа жамоаси ваколатли мутахассислардан иборат бўлиши ва CIA ва/ёки ACCA ва/ёки CIPA сертификатига эга бўлган тажрибали ва профессионал лойиҳа гурӯҳи раҳбари томонидан бошқарилиши керак. Бундан ташқари, лойиҳа жамоаси қуидаги ваколатлар ва малакаларга эга бўлиши мақсадга мувоғик:

- «Ички аудит бўйича мутахассис» (CIA) профессионал сертификатга эга бўлган мутахассиснинг мавжудлиги;

- ACCA, CPA ва CIPA сертификатига ҳамда МДҲ ҳудудидаги молия институтларининг аудити соҳасида тажрибага эга бўлган мутахассиснинг мавжудлиги.

3. Хизматларни кўрсатишга қўйиладиган асосий талаблар

3.1. ИАХ фаолиятини ташқи баҳолаш натижаларига қўра, Ижрочи ИАХ фаолиятида **рискка қаратилган ёндашувни шакллантириш** бўйича тавсиялар бериши керак.

3.2. Ижрочи ИАХ ҳужжатларининг энг мақбул шаклини (шу жумладан йиллик режа, алоҳида текширишлар (вазифалар) учун аудит дастурининг шакли, текшириш далолатномаси, аудит натижалари бўйича шахсий хulosалар шакли, мониторинг далолатномаси, Банк Кузатув кенгаши учун чораклик ҳисботи ва ИАХ фаолиятига оид бошқа ҳужжатлар) тақдим этиши лозим.

3.3. Ижрочи Банкнинг ИАХ тузилмасини таҳлил қилиб, у бўйича тавсиялар бериши керак. Шунингдек, ИАХ ходимлари учун **рискка қаратилган режалаштириш**, шунингдек, рискларни аниқлаш ва баҳолашнинг амалий усувларини ўрганиш бўйича қисқа муддатли (оффлайн) тренинг ўтказиши керак.

3.4. Банк ИАХ фаолияти бўйича ташқи баҳолашни ўтказиш ва тавсиялар ишлаб чиқиш:

- ИАХ фаолиятини дастлабки баҳолаш натижалари бўйича ҳисботни тақдим этиш муддати – **2022 йилнинг 30 ноябргача**;

- манфаатдор тарафлар (Кузатув Кенгashi, Аудит қўмитаси ва банк Бошқаруви) учун ИАХ фаолиятини баҳолаш натижалари бўйича якуний ҳисоботни, шу жумладан тақдимотни тақдим этиш муддати – **2022 йилнинг 30 декабргача**;

3.5. Ижрочи томонидан етказиб бериладиган хизматларнинг қиймати (шу жумладан, умумий қиймати ва бошқа харажатлар ва комиссиялар, ҚҚС ва бошқа солиқлар) Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида кўрсатилиши керак. Шунингдек, ҳар бир босқичнинг қиймати алоҳида кўрсатилиши керак.

4. Ижрочи (танлов иштирокчилари)га қўйиладиган минимал талаб

4.1. Ижрочи тижорат банки ИАХ фаолиятини ташқи мустақил баҳолаш бўйича **камидаги 2 та лойиҳани амалга оширган бўлиши** керак.

4.2 Ижрочи тижорат банки ИАХини трансформация қилиш бўйича камидаги 1 та лойиҳани амалга оширган бўлиши керак.

4.3 Ижрочи МДҲ худудида хусусий ёки давлат ташкилотларининг ички аудити бўйича камидаги 2 та лойиҳани амалга оширган бўлиши керак. Ушбу тажриба мижозларнинг тавсиянома хатлари ёки бажарилган ишлар далолатномалари билан тасдиқланиши керак.

**Ички аудит хизмати
бошлиғи- Бош аудитор**

Ш.Тураев

III. НАРХ ҚИСМИ

1	Бошланғич нарх	430 000 000 (тўрт юз ўттиз миллион) сўм ҚҚС билан бирга
2	Молиялаштириш манбаи	Ўз маблағлари
3	Тўлов шартлари	
3.1	Маҳаллий иштирокчилар	Контракт умумий қийматининг 40% миқдорида аванс тўлови, қолган қисми хизмат кўрсатилгандан кейин.
3.2	Чет эллик иштирокчилар	Чақириб олинмайдиган, ҳужжатли, тасдиқланмаган, бўлинадиган аккредитив ёки биринчи даражали Эвропа банкининг банк кафолати тақдим этган ҳолда олдиндан қисман тўлов.
4	Тўлов валютаси	
4.1	Маҳаллий иштирокчилар	Сўм
4.2	Чет эллик иштирокчилар	АҚШ доллари, Евро ёки Россия рубли
7	Танлов таклифининг амал қилиш муддати	Таклифларни бериш тугаган кундан бошлаб камида 30 кун давомида.

*Йзоҳ: Хорижий етказиб берувчилар билан бирга уч ёки ундан ортиқ маҳаллий
ишлаб чиқарувчиларни танловда иштирок этиши маҳаллий ишлаб
чиқарувчилар учун нарх имтиёзлари қўлланилади.*